



49

10» март 2014 йил

№ 68-к

Кўшработ тумани

Туман марказидан маиший хизмат кўрсатиш
мажмуаси ва савдо дўкони биноси қурилиши
учун ер майдони ажратиш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 25 майдаги 146-сонли "Шаҳарсозлик фаолиятини амалга ошириш ҳамда қишлоқ хўжалигига оид бўлмаган бошқа эҳтиёжлар учун ер участкалари бериш тартибини тақомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори ижросини таъминлаш мақсадида Пичот қишлоқ фуқаролар йиғини Қўролос маҳалласи Э.Жуманбулбул кўчасидан маиший хизмат кўрсатиш мажмуаси ва савдо дўкони биноси қуриш учун Срожева Мехринисо томонидан барча бошланғич меъёрий хужжатлар тайёрланганлигини инobatга олиб ҳамда унинг қурилиш учун ер майдони ажратиш ва қурилишни бошлаш тўғрисидаги аризасини қаноатлантириш мақсадида

ҚАРОР ҚИЛАМАН:

1. Пичот қишлоқ фуқаролар йиғини Қўролос маҳалласи Э.Жуманбулбул кўчасидан туман ҳокимлиги захираси ҳисобида бўлган қишлоқ хўжалигида фойдаланилмайдиган ер майдонидан фуқаро Срожева Мехринисога маиший хизмат кўрсатиш мажмуаси ва савдо дўкони биноси қуриш учун 0,30 гектар ер майдони ажратилсин.
2. Фуқаро Срожева Мехринисо томонидан бир йил мобайнида шаҳарсозлик нормалари ва қоидаларига риоя қилган ҳолда қурилиш ишларини олиб бориш ва тугаллаш ҳамда бино атрофини ободонлаштириш ишлари амалга оширилмаса ушбу қарор ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.
3. Туман бош архитектори М.Райимовга ушбу ер майдонини белгиланган тартибда ўлчаб бериш ҳамда қурилиш ишларини амалга оширишда қонун хужжатлари талабларига, шаҳарсозлик нормалари ва қоидаларига риоя қилиниши юзасидан назорат қилиб бориш топширилсин.
4. Ушбу қарорнинг бажарилишини назорат қилиб бориш туман ҳокимининг биринчи ўринбосари С.Азимов зиммасига юклатилсин.

Туман ҳокими

О.Алиходжаев